



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 207 (7097). 30 октябрь, 1979 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин.

МАТБУОТИМИЗНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

Янги жамият қурилишининг ҳамма босқичларида ленинчи партиянинг қудратли идеология куроли, оммавий коммунистик руҳда тарбиялаш ва ташкил этишнинг, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг ноёб воситаси бўлиши совет матбуоти-ни ривожлантиришга жуда катта аҳамият бериб келди ва бериб боради. КПСС XXV съезди ҳозирги замон шароитида матбуот материалларининг гоёвий савияси ва таъсирчанлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этишини уқтириб ўтди.

«Ҳозир совет кишиси сиёсий жиҳатдан ҳар қанондан ҳам саводли ва активдир», — деди ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг 1978 йил ноябрь Пленумида. У оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳақли равишда юксак талаблар қўймоқда. Иш қисқалиши, самардорлигини ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш — идеология фронти ходимларининг бурчидир.

Бизнинг босма ва радио—телевизион пропаганда-миз савиясини коммунистик қурилишнинг янги миқёсларига, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маълумоти ва маданияти-га, халқроқ майдондаги идеология курашининг кескинлаш-ганига мувофиқ ҳолга келтириш—шу кунининг жанговар вазифасидир. Бу талаб КПСС Марказий Комитетининг «Идео-логик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»-ги қароридан яна янги куч билан янгради. Бу қарорда матбуотимиз фаолиятини такомиллаштиришнинг муфассал программаси баён этилган.

Идеология ходимларининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган Бутуниттифок кенгаши оммавий ахборот воситаларининг Марказий Комитет қарорини пропаганда қилиш ва амалга ошириш учун кураш ташаббускорлари бўлиб чиқётганликлари-ни қайд этди. Газеталар, телевизион кўрсатувлар, радио программалар мазмунан чуқур, мароқли, ўткир ва аниққа муҳим — инсоннинг дилига яқин бўлиб қолди. Проблемалар-ни кўтарувчи ва таққид қилувчи йирик материаллар, хилма-хил мавзудаги хабарлар кўпроқ пайдо бўлмоқда, ўқувчилар-нинг ҳаттирдан яхшироқ фойдаланилимоқда. Амма буларнинг ҳаммаси — шунинг бошланғич ҳолати: матбуот қишлоқларнинг мазмундорлиги, оперативлиги, партиявий эҳтирослигини, унинг одамларга таъсирини аниқ кўчатириш учун жуда кўп иш қилиниши керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг таъсир-чанлиги аввало илгор тажрибани тушунарли тарзда очиб бери-ши, уни оммалаштиришга ёрдам бериш мақорати билан боғланган. Намуна кучи — социалистик мусобақани ривож-лантиришнинг, иш самардорлиги ва сифатини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бироқ ҳали ҳам шу мавзу-даги материаллар баъзан зерикорли баёнчилик услубида ширасиз тил билан ёзилмоқда, анализ доираси тор, илгор иш методлари, шиллаб чиқариш ва бошқаруви ташкил этиш ўзаро боғлиқлиги кўрсатиб берилмаётган. Иккинчи томондан партия комитетлари, совет ва ҳўкиятли ташкил-ларини новаторларнинг тажрибасини тарғиб қилувчи матбуот материалларига ҳақиқат ҳам эътибор билан қараётганлари йўқ, журналистларнинг ўзлари эса баъзан жуда муҳим мав-зуда актив эътибор билан сабот кўрсатмаётганлар.

Айрим матбуот органлари ҳал этилмаган муаммоларни ва қийинчиликларни ёритишда, социалистик турмуш тарзига эътибор билан, олға томон қилган ҳаракатининг ҳақиқат бераётган ҳаққа иллатларга қарши курашда бир мунча пассивлик қилмоқдалар. Холбуки, оммавий жанговар таъши-лотичи ва тарбиячи бўлиш роли матбуотдан, телевидение ва радио эшитиришдан жамоатчиликни қизиқтирувчи ма-салавларни унинг ҳўкиятга доимо ҳавола қилиб туриши ва янги, илгор тажрибаларни қарор топтириб, камчиликларга аёвсиз ўт очиниш тақозо этди. Бундай чиқаришнинг сал-моқчилиги аввало ҳақонийлик ва далиллар билан исботлан-ганлиги, фактларни ҳар томонлама чамашига муаммолар-ни ўз вақтида кўтариб чиқишга боғлиқ. Бу нарса танқидни партия комитетлари қўллаб-қувватлашга боғлиқ, албатта.

Маълумки В. И. Ленин матбуотнинг танқидий сигналларига расман эмас, балки амалии, оқилона жавоб бериш мажбурий эканини таъкидлаган эди. КПСС Марказий Комитети шу йўл-ни қатъият билан муттасил ўтказиб келмоқда. Бироқ айрим партия, совет, ҳўкиятли органларининг ишида ҳақон тан-қидига нотўғри мусоабат қўрилишлари содир бўлиб туриб-ди. Баъзан танқидни оғизда эътироф этишлар, аҳволни тезроқ тузатиб олиш учун ҳеч нис қилмайди. Ёки, айтилган танқиднинг ҳақонийлигини рад этмоқчи, мақола авторига доғ туширишга уринади. Шундай ҳам бўладими, танқидий қишлоқнинг моҳиятидан қалғиб, ҳаёт редакциянинг йўлини шўбха остига қўй бошлайди, яқол кўриниб турган кам-чиликларга принципал мусоабат тўғрисида гап бораётган жойларда «хўсувати» қидиради.

Мана шундай қабилдаги ҳар қандай уринишларга ўткир партиявий ҳақ берилиши керак. Амма журналистларнинг ўзларига ҳам қўй нарса боғлиқ: ҳали ҳам баъзан улар бе-риш кетаётган юзани ўткирлик ва ваҳима кўтариш матери-алларининг салмонини пасактиради. Танқидий сўзининг сафар-бар эътиборли кучи, унинг аниқ адреси ва амалии характери — энг асосий мезондир.

Кун сайин матбуотда эълон қилинадиган ахборотнинг аҳамияти жуда катта. Газета ва журнал ҳақиқатлариди, телевидение кўрсатув ва радио эшитиришлариди ахборот мазмунини қўқоқлаштириш билан бирга бу ишнинг сифати ва оперативлигини кўтариш лозим. Партиянинг ахборотни таб-калаштириб тарқатиш ва матбуот органларининг ўз қиёфа-си, ўз асосий мазмунлари доираси бўлиши зарурлиги, хилма-хил жанрлардан фойдаланиши, материалларнинг услуби ва тили тўғрисида танқидий қишлоқ ҳақидаги талаби ҳали тў-ла-тўқис рўйбга чиқарилган йўқ. Танқидий ахборотни йўлга қўйишга алоҳида эътибор бериш лозим, бу ахборот юксак даражада оператив ва ишончли бўлиши, конкрет ана-лиз қилиниши ва мафкуравий душманга қарши ҳўкумкор бўлиши керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг фаоли-тига омиқкорлик билан раҳбарлик қилиш — ҳозир партия комитетлари учун уларнинг самардорлигини муттасил оши-ришни билдирди. Бу иш журналистларнинг гоёвий етуклиги-ни, принципаллигини ва профессионал насылуятини кўчи-тириш билан бевосита боғланган. Улардан ҳар бири юксак маънавий-сиёсий ва ишчиллик фахшларини, ахлоқий кўч, энг муҳим эса — коммунистик эътиқод ва жиддий билимлар соҳиб бўлиши зарур. Партия комитетларининг секретарлари редакцияларнинг планларини синчилаб ўрганаётган, ижодий проблемаларини муҳокама қилиш учун журналистлар билан мунтазам равишда учрашиб турган, уларнинг ўқишини таш-кил этаётган, матбуотнинг обрў-эътиборини жонқўрлик бил-лан мустақамлаётган жойларда тўғри иш тутилмоқда.

Матбуотимиз, телевидение, радионинг таъсирчанлигини яна-да ошириш — бутун идеология ишчи такомиллаштиришнинг жуда муҳим бўғинларидан биридир. Оммавий тарбиялаш ва уюштириш иши янада муваффақиятлорқ давом этаберики!

(«Правда» газетасининг 27 октябрь сонидида бош мақолиси).

ТЕРИМ СҮРЪАТИНИ БЎШАШТИРМАЙЛИК



ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:



Областимиз пахтакорлари 28 октябрда қабул пунктларига 1508 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бунинг 778 тоннаси ма-шиналарда терилди. Шундай қилиб, ма-сум бошидан бери уйган пахта хирмони-миз 358 минг 33 тоннани ташкил этди.

Бекобод райони меҳнаткашлари ҳар қан-дай об-ҳаво шароитида ҳам терим сўр-ъатини бўшаштирмаслик қарорларини кўра-тирлар. Ўтган кунни районода 810 тонна пахта тайёрланди. Шу жумладан, 399 тон-на пахта машиналарда терилди.

МАРРА ЭҒАЛЛАНДИ

Бўқа районидидаги «Партия XX съез-ди» колхозни аъзолари Улуғ Октябрнинг 62 йиллигини мунособ меҳнат совга-лари билан кўтиб олиш учун аяқ олган умухалқ социалистик мусобақасига қў-шилди, қувончли гўтқуқа эришдилар.

Хўжаликда 1210 гектар майдоннинг ҳар-гектаридан 30 центнердан энёд хирмон қўтарилди, қабул пунктларига 3675 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Кол-хоз пахтакорлари давлатга яна 560 тонна пахта сотиш юзасидан олган со-циалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этиш учун ҳосил теримини қизғин давом эттиришмоқда.

Ғалаба районидидаги «Москва» колхоз-и пахтакорлари ҳам планни бажаришди. Ўлар давлатга 2488 тонна пахта сот-дилар. 666 гектар майдоннинг ҳар гек-таридан ҳозиргача 37,3 центнердан пахта йиғиб-териб олинди. Ялпи ҳосилнинг 90 проценти машиналарда терилди. Хў-жалик меҳнаткашлари ўз ишониятла-рини ҳисоблаб чиқиб, бу йил пахта ҳо-силдорлигини 43 центнерга етказиш ва планга қўшимча равишда давлатга 350 тонна қимматбаҳо ҳош ашё сотишга аҳд қилишди.

ҒАЙРАТЛИ ҲАШАРЧИЛАР

Калинин райони мактаблари юқори синфларининг ўқувчилари ҳозирги дол-зарб паллада Чиноз райони пахтакор-ларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Ай-ниқса Қўйбичев номи 37-мактабнинг ўқувчиларидан «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозни аъзолари мамнун бў-лишляпти. Ўтган беш кунлида бу мак-табнинг ҳар бир ўқувчиси ўрта ҳисобда кунига 56 килограмдан пахта терди. С. Раҳматова, Р. Абдураҳимова, М. Ҳайитова, С. Шоматова, А. Туропов сингари ғайратли ҳашарчилар эса хир-монга 80—100 килограмдан пахта те-риб тўқияшляпти.

Мактаб коллективи ҳашарчилар ўрта-сидидаги социалистик мусобақада голиб чиқиб, Чиноз райони кўчма Қизил бай-роғи билан тақдирланди.



ЖУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш планини мўддатидан илгари бажарганликлари учун қўни-дагилар область Ҳўрмат тах-тасига ёзилдилар:

БЎҚА РАЙОНИ БЎНИЧА:

Фрунзе номи колхоз (район С. Ботиров, партия ташкилотининг секретари М. Ашуров, касабасоюз ташкилотининг раиси Т. Хо-шимов комсомол ташкило-тининг секретари И. Қўрбонов ўртоқлар).

«Кўкорол» совхоз (ди-ректор Х. Абдиев, партия ташкилотининг секретари О. Порсиев, ишчилар комитети-нинг раиси Д. Ҳоджонов, комсомол ташкилотининг секретари А. Абдусаломов ўртоқлар).

„Оқ олтин“ хирмонига



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНИРЛАШНИНГ
БОРИШИ ЮЗАСИДАН 29 ОКТЯБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир-кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — масвум бо-шидан буюн, тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — масвум бошидан буюн (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобидан)

ҒАЛАБА	0,03	101,60	—	100,85
БЎҚА	0,11	100,56	—	87,89
Пискент	0,13	83,27	0,13	79,59
Оққўрғон	0,16	81,36	—	78,60
Бекобод	0,13	80,21	0,80	66,22
Чиноз	0,75	79,32	0,91	65,53
Коммунистик	0,13	78,29	—	74,17
Ўрта Чирчиқ	0,13	77,78	0,08	71,43
Янгийўла	0,51	76,87	0,49	66,51

Область бўйича: 0,36 85,25 0,23 78,71

Республика областларида (масвум бошидан бери план-га нисбатан процент ҳисобидан): ҚҚАССР — 97,12; Бу-хоро — 92,84; Қашқадар — 90,17; Сирдарё — 85,26; Сурхондарё — 81,66; Жинзах — 75,83; Хоразм — 71,22; Наманган — 65,16; Андижон — 62,55; Фарғона — 62,41; Самарқанд — 52,13; Республика бўйича — 74,95.

ОБЛАСТИМИЗ ИНДУСТРИЯСИ ЗАФАРИ

Область саноат корхонала-рининг коллективлари уни-чи беш йиллик тўртинчи йи-ли план ва юксак соци-алистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун курашиб, маҳсулот иш-лаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда қўлчилик му-ҳим бўмлар турларини иш-лаб чиқариш бўйича ўн ой-лик планни мўддатидан ил-гари — 29 октябрда бажар-дилар. Октябр ойи охири-гача пландагидан ташқари 60 миллион сўмлик маҳсу-лот реализация қилинади.

Республикамиз пойтахти, Ангрес, Чирчиқ, Янгийўла шаҳарлари, шунингдек Бўс-тоил, Ғалаба, Калинин, Коммунистик, Тошкент ва Янгийўла районлари меҳнат коллективлари давлат план-ларини барақат бажармоқ-далар. Қўмир қазиб чиқариш, минерал ўнгилари, мебель, чарм пояфазали ва бошқа қатор бўмларини ишлаб чи-қариш бўйича план топши-риқлари ортиги билан бажар-илди.

«КўК ОЛТИН»ДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Янгийўла районидидаги Ле-нин номи колхоз «КўК ол-тин» миришкорлари катта меҳнат ғалабасига эришди-лар. Ўлар давлатга 6650 тонна каноп пойс етказиб бериб, бу соҳадаги Янгийў-ла халқ хўжалик планини ор-тиги билан ўриладилар. Колхоз бўйича 370 гектар майдоннинг ҳар гектаридан

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ
ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилди: Ўзини чакирш Совет Социалистик Республикалари Иттифони Олий Советининг иккинчи сессияси 1979 йил 28-ноябрь кун Москва шаҳрида чакирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль.
1979 йил 26 октябрь.

РЕКЛАМА
Эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР
ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

НОВАЯ ОЙДА
ОБЛАСТНИЙ ШАХАР ВА РАЙОНЛАРИ
ЭКРАНЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ
ФИЛЬМЛАРИНИ

ЧИКАРАДИ

«БЕШ ОҚШОМ»

(Александр Володиннинг шу номли пьесаси асосида).
Сценарий авторлари: Александр АДАБАШЬЯН, Никита МИХАЛКОВ.
Постановкачи-режиссер — Никита МИХАЛКОВ.
Ролларда: Людмила ГУРЧЕНКО, Станислав ЛЮБШИН, Валентина Теличкина,
Татьяна Давыдова, Юрий Никулин — Тамара билан Александрнинг беш оқшомли биргаликда ўтказилган. Тамара Александрнинг урушидан қайтишни кутарди, Бу украинанинг еса орадан юз йиллар ўтгач, қайtib келадди. Бу украинанинг нима билан тамом бўлиши маъмул бўлса-да, лекин Тамара Александр учун жуда керак бўлиб қолган эди.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1979—80 ўқув йили учун
ҚУНДУЗГИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

хоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, совхозлар, колхозлар йўл ланмаси билан ҳамда ҳарбий хизматни ўтаганлар, илгор иш чилар, колхозчилар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун камида бир йиллик иш стажига эга бўлгандаргина юборилади. Кейинги бир йил мобайнида корхоналар (қолхоз, совхозлар)да ишчи шогирд бўлиб ишлаган вақти ҳисобланмайди ёки қолхозчи бўлиб ўқигани ҳисобланади.

луксиз бир йиллик иш стажига эга бўлиш керак; ўқиниб юборилган колхозчилар бир йиллик иш даврида шу колхозда белгиланган меҳнат минимумини бажарган бўлишлари керак.